

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАДИРБЕКОВА ДУРДОНА ХИКМАТУЛЛАЕВНА**

**ИНГЛИЗЧА-ЎЗБЕКЧА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТЕРМИНОЛОГИЯСИ ВА УНИНГ  
ЛЕКСИКОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик  
(филология фанлари)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

УДК: 811.111'373.46:  
811.512.133'373.46:004

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
on Philological Science**

**КАДИРБЕКОВА ДУРДОНА ХИКМАТУЛЛАЕВНА**

Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари  
терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари.....

3

**КАДИРБЕКОВА ДУРДОНА ХИКМАТУЛЛАЕВНА**

Англо-узбекская терминология информационно-коммуникационных  
технологий и её лексикографические особенности.....

19

**KADIRBEKOVA DURDONA KHIKMATULLAEVNA**

English-Uzbek terminology of Information-Communication  
Technologies and its Lexicographic Peculiarities.....

35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАДИРБЕКОВА ДУРДОНА ХИКМАТУЛЛАЕВНА**

**ИНГЛИЗЧА-ЎЗБЕКЧА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТЕРМИНОЛОГИЯСИ ВА УНИНГ  
ЛЕКСИКОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик  
(филология фанлари)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fil9 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Боқиева Гуландом Ҳисомовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Сиддиқова Ирода Абдузухуровна**  
филология фанлари доктори

**Ахмедов Ойбек Сапарбоевич**  
филология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

Алишер Навоий номидаги Тошкент  
Давлат ўзбек тили ва адабиёти  
университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил 22 июль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шахризабс кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№3 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шахрисабзкўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2017 йил 7 июль куни тарқатилди.  
(2017 йил 7 июлдаги № 3 рақамли реестр баённомаси).

**А.М.Маннонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

**Қ.Ш.Омонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент

**А.С.Лиходзиевский**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар  
раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)нинг жадал ривожланаётгани, бу соҳага оид янги-янги тушунчаларнинг пайдо бўлаётгани табиий равишда айна тушунчаларни атовчи терминларнинг дунё тилларига кириб келишига сабаб бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, АКТнинг мувофиқ лексикографик хусусиятларини аниқлаш, мақбул таржима услубларини такомиллаштириш, икки тилли луғатларни тузиш каби муҳим вазифаларни кун тартибига қўяди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб кўплаб ривожланган давлатлар билан тенг ҳуқуқли ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий алоқалар ўрнатилди. Айниқса, илмий-техникавий соҳалардаги ҳамкорлик натижасида жамият ҳаётининг барча соҳаларига АКТ кенг жорий этилди ва шунинг баробарида айна соҳага тааллуқли кўплаб янги тушунча ҳамда терминлар кириб келди. Сўнгги йилларда АКТдаги туб ўзгаришлар натижасида мазкур соҳанинг замонавий лексикасини тадқиқ қилиш ва терминологик аппаратини тартибга солишга йўналтирилган муайян илмий изланишлар амалга оширилди, айна соҳа терминлари ҳамда тушунчаларининг стандартлари ишлаб чиқилиб, изоҳли луғатлари яратилди.

Жаҳон тилшунослигида АКТ терминларини тартибга солиш ишлари бир тил терминлари доирасида ҳам, икки тил терминлари доирасида ҳам олиб борилган, соҳа терминлари муайян даражада тартибга солинган бўлса-да, миллий тилшуносликларда АКТ терминларининг лингвистик, лексикографик, семантик ва таржимавий хусусиятлари аниқланмаган, соҳа терминларини тартибга солиш мезонлари ишлаб чиқилмаган. Шу боис АКТ терминларининг мавзуй гуруҳларини аниқлаб, лексик-семантик хусусиятларини асослаш, терминларнинг деривацион ва тузилиш моделларини белгилаш, ўзлашма ва байналмилал терминларнинг миллий тилларда барқарорлашув жараёнларини тадқиқ қилиш, таржима қилиш услубларини такомиллаштириш, терминлардаги синонимик, антонимик ва вариантлик ҳолатларини тартибга солиш ҳамда мақбулларини қўллаш юзасидан таклифлар бериш, лексикографик изоҳларини такомиллаштириш, таржима луғатларини тузиш каби масалаларнинг ҳал этилиши АКТ соҳалари ривожини таъминлаш билан бирга, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига муайян даражада енгиллик яратилишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида»ги, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2016 йил 13 майдаги ПФ - 4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» фармон ва қарорларида ҳамда мазкур

фаолиятларга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши республикада фан ва технологиялар ривожланишининг: I «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» ва IV «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илмий-техникавий терминология тадқиқотининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган тадқиқотлар сифатида бир қатор тадқиқотларни кўрсатиш мумкин.<sup>1</sup>

Шу маънода АКТ терминларининг лингвистик хусусиятлари юзасидан ҳам тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, баъзи тилшунослар АКТ терминларининг лингвистик жиҳатларини бир тил доирасида ўрганган бўлса<sup>2</sup>, бошқа тилшунослар эса мазкур мавзунини тиллараро аспектда тадқиқ қилган<sup>3</sup>.

Н.Слепов, Е.Мословский каби амалиётчи мутахассилар АКТ терминологиясини лексикографик жиҳатларига эътибор қаратган ҳамда икки

---

<sup>1</sup>Wüster E. Internationale Sprach normung in der Technik, besonders in der Elektrotechnik (International Standardization of Language in Engineering, especially in Electrical Engineering). – Bonn, 1970; Felber H. Terminology Manual. – Paris, 1984.; Juan C.Sager. Practical course in Terminology Processing/UMIST, 1990; Лотте Д.С. Очередные задачи технической терминологии // История отечественного терминоведения: классики терминоведения. Т. 1. – М., 1994; Виноградов В.В. Лексикология и лексикография: Избр. тр. – М., 1977 – 310 с.; Лейчик, В.М. Терминоведение: Предмет, методы, структура. – М.: КомКнига, 2006; Гринев С.В. Введение в терминографию. 2-е изд., перераб. и доп. – М., 1995; Герд А.С. Основы научно-технической лексикографии: (как работать над терминологическим словарем). – Л., 1968; Ступин В.А. Социоллингвистика. Методология, методика и технические исследования динамики терминологических процессов и предметных областей. – СПб., 2000; Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. Узбекская техническая терминология на современном этапе: Дис. док. ... филол. наук. – Т., 1988; Усмонов А.Н. Ўзбек тилида термин ясовчи фаол аффикслар. – Т., 1991.; Қосимов Н. Функциональные особенности аффиксов в узбекской технической терминологии: Дисс. канд. ... филол. наук. – Т., 1979.; Ҳожиёв А. Термин танлаш мезонлари. – Т., 1996 ва бошқалар.

<sup>2</sup>Lynch, Donal. A study of the lexicography of computing and information technology and its practical applications. PhD. – Staffordshire University, 2004; Hafiz, Albara Altaher A. Lexical borrowing (Tagrib) in Arabic computing terminology: issues and strategies. PhD.Durham University. 2015.; Green Jonathon.Dictionary of Jargon. – New York: Routledge&Kegan Paul Inc., 1987.; Thorne T. Slang in the 21st century. – London, 2005; Беликова И.А. Особенности образования терминов неологизмов в подъязыке компьютерной техники. Дис. канд. филол. наук. – Омск, 2004; Орел Т.И. Структура и номинативно-образовательные характеристики английской терминосистемы телекоммуникации. Дис. канд. филол. наук. – М., 2005; Мусаходжаев С.И. Лингвостатистический анализ узбекского научно-технического текста и терминологии подъязыка электротехники и электроники. Филол. фан. ... номзод. дисс. иши. – Т., 1986; Ходакова А.Г. Системная семантика термина на материале англоязычных терминов Интернета. Дис. канд. ... филол. наук. – Белгород, 2010; Тихонова Е.В. Формирование английской терминологии мобильных средств связи и её лингвистические особенности. Дис. канд. ... филол. наук. – Омск, 2003.

<sup>3</sup>Юхмина Е.А. Адаптация англоязычных компьютерных терминов к лексической системе русского языка. Дис. канд. филол. наук. – Челябинск, 2009; Смирнов Е.Е. Особенности передачи англоязычных терминологии в области электронной бытовой техники. Дисс. канд. ... филол. наук. М., 2007; Ларькова Л.Ф. Межъязыковые семантические корреляции слов-терминов родственных языков (на материале немецкой терминологии по современной радио- и электропроводной связи в сопоставлении с английской) Дис. канд. ... филол. наук. – Киев, 1984; Ивкина А.В. Особенности образования и перевода терминов в английском, французском и русском языках (на материале предметной области «Телекоммуникация» и подобласти «Телефония»): Дис. канд. ... филол. наук. – СПб., 2004 ва бошқалар.

тилли таржима луғатларини тузганлар. Шунингдек, ўзбек тадқиқотчилари томонидан ҳам бир қатор таржима ва изоҳли луғатлар яратилган.<sup>4</sup>

Юқоридаги тадқиқотларда турли тиллардаги АКТ терминлари таҳлил ва тадқиқ қилинган бўлса ҳам, бироқ бундай терминларнинг замонавий қатлами, хусусан, ҳозирги кун учун муҳим бўлган жиҳатлари ўрганилмаган. Масалан, соҳа терминларининг лингвистик хусусиятлари, таржима қилиш усуллари ва луғат тузиш тамойиллари инглиз-ўзбек тиллари мисолида қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқот объекти бўлмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-2015-1 – 22 «Хорижий тиллар бўйича мультимедиа ахборот технологиялар базасини такомиллаштиришга оид дастур ва ўқув-услубий материаллар яратиш ва нашр этиш», шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университетининг И-2015-4 – 8 «Ахборот коммуникация-технологиялари тизимида юқори технологик виртуал ОС GNU операцион тизимини жорий этиш», И-2016-4 – 14 «Android ва IOS мобил операцион тизимларига асосланган мобил иловалар конструктор платформаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш», КФ2-005 «Оптик ахборотларни рақамли кўринишда қайта ишлаш учун ночизиқли материалларни тадқиқ этиш», Ф4-016 «Конструктив R-функция усули асосида оптималлаштиришнинг кўп ўлчовли чизиқли ва чизиқсиз масалаларини ечиш усуллари ва воситаларини яратиш» мавзуларидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ахборот-коммуникация технологиялари терминларининг инглиз ва ўзбек тилларидаги лингвистик хусусиятларини аниқлаш ҳамда уларнинг лексикографияга оид назарий-услубий жиҳатлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

АКТ терминларининг мавзуй гуруҳларини таснифлаш;

АКТ терминларининг структуравий хусусиятларини очиб бериш;

соҳа терминларининг деривацион хусусиятларини аниқлаш;

соҳа терминларининг лексик-семантик хусусиятлари, синонимик ва антонимик муносабатларини очиб бериш;

---

<sup>4</sup>Слепов Н.Н.«Англо-русский толковый словарь сокращений в области связи, компьютерных и информационных технологий» (2005); Мословский Е.К. «Англо-русский словарь по вычислительным системам и информационным технологиям» (2003); UNICON.UZ» ДУК мутахассислари томонидан тузилган бир қатор луғатлар. Жумладан, «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси бўйича метрологияга оид атамалар луғати» (2003); «Телевиденига оид русча-ўзбекча изоҳли луғати» (2007); «Ахборот технологияси операцион тизимлари терминларининг инглизча-русча-ўзбекча изоҳли луғати» (2008); «Мобил алоқа тизимларига оид атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати» (2008); «Ахборот хавфсизлигига оид атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати»(2008); «Радиотехникага оид атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати» (2010); «Коммутация тизимларига оид атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати»(2010); «Радиотехникага оид атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати»(2010); «Телекоммуникация воситалари ва тизимларидан техник фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш: атамалар ва таърифлар/ Тармоқ стандарти 45.049:2003» (2003); «Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати» (2004; 2010); «АТ: атамалар ва таърифлар/ Ўзбекистон давлат стандарти расмий нашр 1047:2003» ва бошқалар.

соҳа терминларининг таржимада бериш усулларини аниқлаш, моделларини яратиш ва эквивалентлик хусусиятларини кўрсатиш;

соҳа терминларнинг лексикографик тамойилларини такомиллаштириш ва икки тилли терминологик луғатини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги ахборот-коммуникация технологиялари терминлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** инглиз ва ўзбек тилларидаги ахборот-коммуникация технологиялари терминларининг шаклланиши, тузилиши, деривацион, лексик-семантик ва лексикографик хусусиятлари ҳамда таржима қилиш усуллари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тавсифий, қиёсий-типологик, компонент таҳлил, семантик майдон таҳлили, линвостатистик усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор инглиз ва ўзбек тилларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид терминларнинг мавзуй гуруҳлари асосида лексик-семантик хусусиятлари далиллаб берилган;

инглиз ва ўзбек тилларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид терминларнинг структуравий хусусиятлари очиб берилган ва ҳар икки тилдаги терминларнинг деривацион хусусиятлари асосланган;

инглиз ва ўзбек тилларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид терминларнинг синонимик ва антонимик муносабатлари аниқланган ҳамда тиллараро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари исботланган;

инглиз тили ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси асосида ўзбек тилида айни соҳа терминларини уйғунлаштириш ҳамда икки тилли терминлар луғатини тузишнинг услубий ёндашуви такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

инглиз тилини ўрганишда АКТ терминларини деривацион хусусиятларини ривожлантириш, қиёсий терминшунослик ҳамда терминография тамойилларини такомиллаштириш бўйича бир қатор амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган; АКТ терминологиясига оид таҳлил қилинган материаллар асосида мутахассислар ва талабалар учун «Инглизча-ўзбекча ахборот технологиялари терминлари луғати» яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК руйхатидаги ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти АКТ терминларининг тилдаги ўрнини кўрсатиб бергани, қиёсий терминология, лексикология, таржимашунослик соҳаси тадқиқот кўламини бойитгани ҳамда бошқа терминологик



тизимларнинг лингвистик хусусиятларини ёритишда манба бўлиб хизмат қилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосаларнинг АКТ соҳасида терминшунослик ва луғатшунослик ҳамда халқаро маълумот алмашинуви тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилгани, олий ўқув юртларида луғатлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратиш, турли методик тавсияномалар тузиш ҳамда АКТ соҳаси учун мутахассислар тайёрлашда аҳамиятлилиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инглиз ва ўзбек тилларида АКТ терминларининг шаклланиши, ривожланиши, деривацион ва лексикографик хусусиятларини очиқ бериш бўйича олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

лексикография соҳаси бўйича олинган илмий натижалар «UNICON.UZ» Давлат унитар корхонаси, «UZDIGITAL TV компанияси» амалий фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот-коммуникация технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2017 йил 1 февралдаги 33-8/595-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши АКТ соҳасида луғатшунослик фаолиятида, ҳужжатлар алмашинувидаги ҳато ва тушунмовчиликларнинг камайишида, маълумот алмашинуви ошиши ҳисобига мазкур соҳадаги халқаро муносабатлар тизими самарадорлигини оширишни таъминлашга хизмат қилган;

АКТ терминларининг инглизча-ўзбекча луғати «O‘zbekiston MTRK mediamarkaz» давлат унитар корхонаси амалий фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси 2017 йил 23 февралдаги 05-15/644-сон маълумотномаси). Мазкур луғат радио-телевидение соҳаси терминшунослик тизимини янада такомиллаштиришга ва хорижий ҳамкор ташкилотлар билан турли расмий ҳужжатларни ишлаб чиқишда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш учун хизмат қилган;

тилшунослик ва АКТ соҳаларининг интеграциялашуви натижасида ишлаб чиқилган амалий таклифлар КФ2-005 «Оптик ахборотларни рақамли кўринишда қайта ишлаш учун ночизикли материалларни тадқиқ этиш» (2012–2016) ва Ф4-016 «Конструктив R-функция усули асосида оптималлаштиришнинг кўп ўлчовли чизикли ва чизиксиз масалаларини ечиш усуллари ва воситаларини яратиш» (2012–2016) мавзуларидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ижро аппарати 2016 йил 16 ноябрдаги ФТК-0313/801-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши тилшунослик ва ахборот технологиялари соҳаларида кечаётган жараёнларни тушунишга, соҳанинг ривожланишига оид билимларни такомиллаштиришга ҳамда АКТ терминларининг барча мутахассислар учун бир хилда тушунарли бўлишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 18та, жумладан, 6 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та монография, 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 13 та республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 137 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги терминологиянинг назарий муаммолари”** деб номланган биринчи бобида термин ва терминологияга доир фикр-мулоҳазалар, АКТ терминологияси масалаларига доир назарий мулоҳазалар илмий-назарий жиҳатдан ўрганилган. Шунингдек, ушбу бобда ахборот-коммуникация технологиялари терминлари мавзуй гуруҳларининг таснифи келтирилган ҳамда терминларнинг тузилиши таҳлил этилган.

Терминология – битта ёки бир нечта тилларда махсус соҳага оид лексик бирликларни, яъни терминларни тўплаш, таърифлаш, шакллантириш ҳамда тақдим этишни ўрганувчи фан сифатида талқин қилиш мумкин. Н.Felberнинг фикрича, “терминология” термини уч хил тушунчага эга: 1. Терминология соҳалараро фан бўлиб, у махсус тушунчани ифодаловчи термин, белги кабиларни ўрганади. 2. Терминология – махсус соҳага оид тушунчалар тизимини ифодаловчи терминлар мажмуи; 3. Терминология – терминлар билан ифодаланган махсус соҳа тушунчаларининг тарғиб этилиши<sup>5</sup>.

Терминология – терминларнинг грамматик сатҳдаги ўрни ва тилда амал қилиши билан боғлиқ бўлган муайян қонуниятларни ўрганиш билан шуғулланувчи лингвистиканинг алоҳида аспектидир<sup>6</sup>.

Терминологик тизимнинг ўзига хос жиҳатлари, унинг таркибий боғлиқлиги лингвистик омиллар асосида, сўз ва сўз бирикмаларининг ясалишидаги моделларда аниқ ва равшан акс этади<sup>7</sup>. Тилшуносликда сўз яшаш

<sup>5</sup>Felber Н. Terminological work and standardization of terminology. – Paris, 1974. – P.1

<sup>6</sup>Лейчик В.М. Номенклатура-промежуточное звено между терминами и собственными именами//Вопросы терминологии и лингвистической статистики. – Воронеж, 1974. С. 56 – 61.

<sup>7</sup>Реформатский А.А. Введение в языкознание. – М., 1967. – С.122.

ходисаси луғат таркибини бойитиб, уни мунтазам тўлдириб боришда маҳсулдор усуллардан бири саналади.

Х.Дадабоев ўзбек тилида терминология масалалари тўғрисида тўхталиб қўйидагини таъкидлайди: “Ўзбек терминологиясининг ўз бойликлари ҳисобига тараққий этиши икки йўл билан воқеаланади: а) тилда мавжуд, тайёр сўзлардаги янги нарса-предмет ва тушунчаларни ифодалашда фойдаланиш; б) ўзбек адабий тили сўз яшаш имкониятлари иштирокида янги терминлар яратиш”<sup>8</sup>.

Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, биз замонавий терминологияни 1) махсус соҳа тушунчаларини ва объектларини ифодалашда қўлланиладиган сўз ва сўз бирикмалар мажмуи; 2) махсус соҳа тушунчаларини ва объектларини ифодалашда қўлланиладиган сўз ва сўз бирикмалар мажмуини ўрганувчи мустақил илм-фан соҳаси; 3) махсус соҳа доирасида алоқа воситаси; 4) терминлар билан ифодаланган махсус соҳа тушунчаларининг тарқалиши, деган хулосага келдик.

Тадқиқотда АКТ соҳалари (телекоммуникация, радиоалоқа, ахборот хавфсизлиги, телевидение, мобил алоқа) асосида айна соҳа терминларнинг лексик-семантик хусусиятлари яъни, терминологик тизимга хос мавзуий гуруҳлари аниқланди: ахборот ва унинг турлари: *data* – маълумотлар, *personal data* – шахсий маълумотлар, *open information* – махфий бўлмаган ахборот, *limited access information* – фойдаланалиши чеклаб қўйилган ахборот; ҳисоблаш техникаси воситалари: *portable computer* – портатив компьютер, *electronic means* – электрон воситалар, *dual-homed gateway* – икки уйли шлюз; *secure sockets layer, SSL* – хавфсиз уланишлар протоколи; дастурий таъминот ва протоколлар: *algorithm* – алгоритм, *demon* – демон ва ҳ.к.

Мавжуд луғат ва адабиётлардан терминларни танлаб олиш жараёнида аниқланган кичик мавзувий гуруҳларда 3та асосий терминологик категориялар ажратилди. Булар: 1) жараёнлар: *gamming* – гаммалаш, *hacking* – бузиш; 2) предмет ва воситалар: *industrial computer* – саноат компьютери, *hybrid computer* – аналог-рақамли компьютер; 3) касб-кор номларини англатувчи терминлар: *network operator* – алоқа оператори, *ICT engineer* – АКТ инженер (муҳандис), *phriker* – фрикер (қоидабузар).

АКТ терминларининг мавзувий гуруҳларини белгилашда уларни тезкор ахборот олиш, уни қайта ишлаш, узатиш жараёнларида ва меъёрий хужжатларнинг барча турларида фаол қўлланилиши, ҳажми (миқдори) ва салмоғи каби мезонларга асосланилади.

Инглиз ва ўзбек тилларида тўпланган 4550 тан зиёд АКТга оид соҳавий терминлар структурасига хос ўхшашлиги (изоморфлиги) тасниф этилди. Инглиз тилида: содда (ўзак-сўз) терминлар 204та; ясама (аффиксал) терминлар 325 та; қўшма терминлар 154 та; содда бирикма терминлар 2630 та; мураккаб ёйиқ бирикмали терминлар 1238 талиги аниқланди. Ўзбек тилида содда туб терминлар 237 та; ясама терминлар (аффиксал) 257 та; қўшма терминлар 89 та;

---

<sup>8</sup>Дадабоев Х. Ҳозирги ўзбек тили қурилишида ўзбек тилининг ўрни// Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент, 2015. – Б.24 – 31.

жуфт терминлар 52 та; содда бирикма терминлар 1537 та; мураккаб терминлар 2312 талиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Инглиз ва ўзбек тилларида ахборот-коммуникация технологиялари терминларининг деривацион хусусиятлари**» деб номланган бобида АКТ терминларини ясашиш йўллари атрофлича тадқиқ этилган. Инглиз ва ўзбек тиллари АКТ терминларининг ясашишида аффиксация, синтактик, лексик-семантик ва қисқартириш усуллари орқали ҳосил бўлиши амалий мисоллар билан ёритилган.

АКТ соҳавий терминларининг деярли барчаси морфологик хусусиятига кўра асосан субстантив ва атрибутив характердаги терминлардан иборат. Истеъмолдаги АКТ терминлари феъл асосдан ясалган отлардан иборатлигини кўрсатади. Инглиз тилида *-tion*, *-ing* каби сўз ясовчи аффикслари феълдан от ясайди. Одатда,  $V + -ing = N$  модели орқали ҳаракат, жараён ва ҳолатни англатувчи отлар ясалади.

Ўзбек тилидаги ўзак сўз ва аффиксларни ўзаро муносабатга киришганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, *компьютер + чи – компьютерчи*, *компьютер + лаштир + иш – компьютерлаштириш*; *компьютер алоқаси*, *компьютер дастури*, *компьютер мусиқаси*, *компьютер муҳофазаси* каби.

Феъл ясовчи аффикслар, яъни *-иш*, *-ла*, *-лан*, *-лаш*, *-лантир*, *-лаштир* сўз ясовчи аффикслари ёрдамида ясалган терминлар АКТ терминологиясида ҳам умумистеъмол сўзларидагидек, асосан ҳаракат, жараён номларини ясаб келади. Масалан: *рақам + лаштириш → рақамлаштириш*, *тенг + лаштириш → тенглаштириш*, *код + лаш → кодлаш*, *юк + лаш → юклаш*, *узат + иш → узатиш*, *чек + лаш → чеклаш*, *қутб + лаш → қутблаш*.

Тадқиқот жараёнида АКТ терминларининг ясашишида суффиксация усули ҳам фаол эканлиги аниқланди. Инглиз тилида бир сўздан иборат терминларни ясашда энг фаол суффикс *-er (-or)* бўлиб, у маълум бир иш-ҳаракатни амалга оширувчи шахс, механизм ёки агрегатни ифодаловчи от сўз туркумидаги терминни ясайди. Уларни ўзбек тилига таржима қилганимизда инглизча ясама терминларнинг салмоқли қисми ўзбек тилида содда сўз сифатида кўрилади. Кўп ҳолларда инглизча *-er (-or)* суффикси ўзбекча *-чи*, *-гич* суффиксларига ифода ва мазмун жиҳатдан мос келади. *-er (-or)* суффикси ўзбекча *archive – архив + er = archiver – архиватор*, *adapt – мосламоқ + er = adapter – адаптер*, *accelerate – тезлаштирмоқ + or = accelerator – тезлаштир + гич*, *акселератор*.

Инглиз тилида термин ясовчи *-ion*, *-ation*, *-ment*, *-ence*, *-ing* фаол суффикслари ёрдамида феълдан англашилган тушунчаларни ифодаловчи терминлар ясалганлигини кузатиш мумкин. Масалан: *connect – боғламоқ*, *уламоқ + ion = connection – боғланиш*, *уланиш*; *code – кодлаш + (l)ation = codulation – кодуляция*; *multiplex – мураккаб + ing = multiplexing – мултиплексерлаш*. Аксарият ҳолларда мазкур суффикслар қўлланилган терминлар ўзбек тилига таржима қилинганда сўз ясовчи бўлган биргалик нисбатига эга *-лаш* аффикси билан берилади. Ўзбек тили АКТ терминология тизимида ҳаракатга оид иш, жараён, ҳолат кабиларни англатувчи терминларнинг ясашишида *-лаш* аффиксининг фаоллиги ва сермахсуллиги

ошиб бормоқда. Муҳими шундаки, улар ўзлашма сўзларнинг тилимизда сингиб кетишига хизмат қилади: *дешифр+лаш*, *дуплекс+лаш*, *кодлаштир+ши*, *фильтр+лаш*, *формат+лаш* каби; *-tion*, *-ing*, *-ion* каби инглиз тилидаги аффиксларини ўзбек тилидаги айнан жараённи англатувчи *-ш (-ши)*, *-в (-ув)* аффиксларининг фаоллиги ифода ва мазмун планда мос келади.

Таҳлилимизга кўра ҳар икки тилда ҳам АКТ терминлар тизимининг кенгайиб бориши аффиксация усули сермахсулликдан келиб чиқади. Бу ўринда, АКТ терминларининг ясалишида термин ясовчи префикслар роли алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. АКТ терминларини ясалишида инглиз тилида 32 та фаол сермахсул префикслар ва улар иштирокида ясалган терминлар қайд этилди. Улар орасида 11 та префикс ўзбек тилида АКТ терминларини ясалишида ҳам иштирок этиши аниқланди: крипто-: *крипто* + *таҳлил*, *крипто* + *тизим*; макро-: *макро* + *уя*, *макро* + *буйруқ*, *макро* + *тил*, *макро* + *вирус*; мета-: *мета* + *файл*, *мета* + *тил*, *мета* + *тармоқ*, *мета* + *излаш*; микро-: *микро* + *уя*, *микро* + *процессор*; псевдо-: *псевдо* + *йўриқнома*, *псевдо* + *ранг*, *псевдо* + *код*; супер-: *супер* + *калит*; гипер-: *гипер* + *матн* ва ҳ.к.

Кузатишларимиз ҳозирги кунда ривожланиб бораётган АКТ терминлари лексик-семантик усул билан ясалишига кўра ҳар икки тилда ўзига хос хусусиятларга эгаллигини кўрсатди. Лексик-семантик усул воситасида соҳавий терминлар ясада психоллингвистик омил сифатида тасаввур муҳим роль ўйнайди. Айниқса, ушбу ҳолатни сўз-номни метафорик кўчириш туфайли терминлар ясалишида кузатишимиз мумкин: *worm* – *қурт*, *black list* – *қора рўйхат*; *мантиқий бомба*, *троян оти*, *вирус* ва ҳ.к. Масалан: *blacklist* – *қора рўйхат*: *автоматик тарзда эътиборга олинмаслиги ёхуд блокировка қилиниши лозим бўлган объектларнинг хостлари, манзиллари ва бошқа идентификаторлар рўйхати*. Ёки, *worm* – *қурт* куйидагича метафорик маънода қўлланилади: 1. *Маълумотларни қайта ишлаш тизимлари ёки компьютер тармоқлари орқали тарқалиши мумкин бўлган мухтор дастур*. 2. *Қуртлар қурилмалар ёки маълумотларга ишлов бериш вақти каби мавжуд ресурсларни камайтириш учун яратилади*.<sup>9</sup>

Метафора ва метонимия термин ясалишида бир сўз туркуми доирасида кўчиш орқали, асосан, от сўз туркумига тааллуқлилиги билан характерланади: *analytic attack* – *таҳлилий ҳужум*, *onion skin* – *шаарна*, *artificial brain* – *сунъий мия*, *electronic brain* – *электрон мия*, *robot brain* – *робот мияси* ва ҳ.к.

АКТ терминларини ясалишида синтактик усул энг фаол ҳисобланиб, бу усул билан ясалган бирикма терминлар (бир неча сўздан таркиб топган терминлар) миқдори бир сўзли терминларга нисбатан кўплиги аниқланди. Таҳлилий маълумотга кўра, инглиз тилида АКТ терминларининг икки компонентли терминологик бирикмалари NN ва Adj.N модели орқали ясалиш имконияти кўпроқ деган фикрга келинди. Икки компонентли терминларнинг умумий сонидан NN модели билан ясалган терминлар 59.23% ни, AdN модели билан ясалган терминлар эса 39, 7% ни ташкил этади.

<sup>9</sup> Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. – Т., 2010. – Б. 300.

Инглиз тили АКТ терминологияси тизимида уч ва ундан ортиқ ёйик турдаги мураккаб бирикма терминлар ҳам сон жиҳатидан кўп, яъни 1238 та эканлигига гувоҳ бўлдик. Жумладан: *primary rate access, data protection system, digital signal processor, adaptive channel allocation, primary digital channel, peak cell rate, limited use communication network, organizational protection means, automated information systems and technologies support tools.*

Инглиз тилида АКТ бирикма терминлари АКТ терминологик тизимида тадқиқ этилаётган терминларнинг умумий сони, 4550тадан 88.37% ни ташкил этишини аниқладик.

Ўзбек тили АКТ терминологик бирикмаларининг структуравий семантикасига кўра муайян моделлари ҳамда термин бирикмаларнинг лексик-морфологик тузилиши жиҳатидан таҳлил этилиб, уларнинг қуйидаги моделлари аниқланди: От+От *фойдаланишни чеклаш, ҳужумни аниқлаш*; Сифат+От *сунъий таффакур, гуруҳли сигнал*; От+От+От: *фон товуш ёзуви фаолиятни рўйхатга киритиш*; Сифат+От+От: *шахсий имзо калити*; От+сифат+От: *узатиш асинхрон режими, муҳофаза маъмурий чоралари*; Сифат+Сифат+От: *асосий функционал профилъ, автоматик муқобил биллинг*; Сон+Сифат+От: *икки қутбли код, уч ўлчамли интерфейс*; Олмош+Сифат+От: *кўп боғламали линия, кўп вазифали қурилма*; От+От+От+От: *имзо калити сертификати эгаси, домен номенларини рўйхатдан ўтказувчи*; Сифат+От+От+От: *автоматлаштирилган тизим ресурси хафвсизлиги*; Сифат+От+Сифат+От: *дастурий таъминотни электрон тарқатиш*; Сифат+Сифат+От+От: *очиқ дастурий таъминот фонди*; От+От+Сифат+От: *ахборот миқдорининг ўлчов бирлиги.*

Инглизча АКТ терминларининг ясалишида қисқартмаларнинг яратилиши самарадор усуллардан бири ҳисобланади. Бу усул билан ясалган АКТ терминларининг турлари ва маълум жиҳатлари оддий аббревиация усулидан фарқ қилади.

Инглиз тилида АКТ қисқартма терминларининг ясалиш структурасига кўра қуйидаги турларга ажратдик: Клиппинг (clippings) усули билан ясалган терминлар: *videotext* → *videotex*, *electronic magazine* → *e-zine (ezine)* каби; Блендинг (блендинг) янги сўз ҳосил қилиш учун икки ёки ундан кўп сўзнинг қисмлари бирлашувидир. Масалан: *modem* → *modulator/demodulator*, *CONELRAD* → *Control of Electromagnetic Radiation*, *componder* → *compressor-expander*, *coder/decoder* → *codec* каб. Элипсис усули билан ясалган терминлар: *analog transmission formats* → *analog*, *digital transmission formats* → *digital*. Қисман қисқартма усули билан ясалган терминлар (semi-acronym): *Packet Internet Groper* → *PING*, *long-range navigation (system)* → *loran*; Бош ҳарфлардан тузилган қисқартма терминлар: *liquid-crystal display* → *LCD*, *cellular Digital Packet Data* → *CDPD*, *Analog Output* → *AO*. Миқдор ва аниқловчи кўрсаткичли қисқартмалар: *customer to business* → *C2B*, “*C sharp*” (*C ва C++ дастурлаш тилларининг чатишмаси*) → *C#*, *Third Generation (mobile) Phone* → *3GP*.

Ўзбек тили АКТ терминларининг қисқартма шаклида қўлланилиши инглиз тилига нисбатан кам сонли бўлиб, улар асосан бош ҳарфлардан

тузилган мураккаб ёйиқ терминларнинг қисқартма шакллари эканлиги аниқланди. Жумладан, улар ўзбек тилида АКТ қисқартма терминларининг 80,6%ини ташкил этди (*ДКЛ* → *дискрет косинус ўзгартириши*, *ДИКМ* → *дифференциал импульс-код модуляцияси*, *СРИБП* → *сигналларга рақамли ишлов берувчи процессор*, *ШК* → *шахсий компьютер*, *МБ* → *маълумотлар базаси*). 19,4% қисман қисқартмалар (*ЧИХ-фильтр* → *чексиз импульс характеристикали фильтр*, *ТИХ-фильтр* → *туғалланган импульс характеристикали фильтр*, *АКТ хавфсизлиги* → *Ахборот коммуникация технологиялари хавфсизлиги* каби).

Таҳлилларимизда инглиз тили АКТ кўп компонентли терминлар қисқартмалари қисқартмаларнинг умумий сонидан 19,29%ни ташкил этган бўлса, ўзбек тилида 80,6% эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Инглиз ва ўзбек тилларида ахборот-коммуникация технологиялари терминларининг лексикографик ва таржима хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида АКТ терминларининг шакл ва маъно муносабати каби масалалар, АКТ соҳасидаги ўзлашма терминлар қатлами, терминларнинг таржимада берилиш усуллари ва моделлари ҳамда ахборот технологиялари терминларининг лексикографик талқини масалалари тадқиқ этилган.

